

## **2024 йилнинг I ярим йиллиги давомида солиқ хизмати органларини коррупциядан ҳоли тизимга айлантириш юзасидан олиб борилган ишлар**

### **Коррупцияга қарши курашишда бевосита Шахсий хавфсизлик тузилмаси томонидан амалга оширилган ишлар**

Жорий йилнинг ўтган даврида:

- **салбий ҳолатларни** содир қилмаслик юзасидан **2 492 нафар** ходим билан алоҳида профилактик тарбиявий суҳбатлар ўтказилди;

- турли солиқ текширувларини ўтказишга сафарбар қилинган ходимлар билан **21,4 минг** суҳбатлар ўтказилиб, **тилхатлар** олинди;

- жами **1 118 та** хизмат текшируви ва хизмат ўрганишлари ўтказилиб, **724 та** ҳолатда ҳужжатлар ҳуқуқий баҳо бериш учун ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига юборилди.

Ўтказилган хизмат текшируви ва ўрганишлари якуни билан давлат бюджетига **115,9 млрд сўм** солиқ ва тўловлар кўшимча ҳисобланиб, шундан **54,4 млрд сўм** давлат бюджетига ундирилди.

### **Коррупцияни олдини-олиш юзасидан ҳуқуқий тарғибот-ташвиқот тадбирлари**

Солиқ хизмати органининг коррупцияга қарши курашиш тузилмалари томонидан 2024 йил I ярим йиллиги давомида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш борасида бир қатор тарғибот ишлари олиб борилди.

Хусусан, жойларда **1 100** дан ортиқ учрашув ва семинарлар ўтказилди. Шундан **399** таси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлигида бўлиб ўтди. Қолаверса, **700** дан ортиқ ОАВларида (*43 та радио, 50 та телекўрсатув, 23 та нашр ва мақолалар, 610 та ижтимоий тармоқда*) чиқишлар амалга оширилди.

Бевосита Солиқ қўмитасида ўтказилган тадбирлар қўмитанинг расмий веб сайтида эълон қилиб борилди.

Жазони ўташ муассасаларида сақланаётган собиқ солиқ ходимлари (махбуслар)дан махсус интервьюлар олиниб, Zo‘r TV телеканали мутахассислари билан ҳамкорликда **“Ишонч ва Нафс чегараси”** номли махсус видеоролик тайёрланди.

Ушбу видеоролик солиқ хизмати органида фаолият юритаётган барча ходимларга намойиш этилиб, тегишли огоҳлантирув-профилактик тадбирлар ўтказилди.

### **Коррупциянинг олдини олиш борасида рақамли технологиялардан фойдаланиш**

Соҳада коррупция ҳолатларини олдини олишда рақамли технологияларнинг кенг татбиқ этилиши муҳим қадамлардан бири бўлди. Солиқ тўловчини ҳисобга олишдан тортиб мажбуриятини бажаришгача бўлган жараён автоматлаштирилди.

Солиқ тўловчиларга қулайлик яратиш, солиққа оид ҳисоб-китоб жараёнларини соддалаштириш ва иқтисодиётда хуфиёна айланмаларни ўз вақтида аниқлаш ва олдини олишни таъминлаш мақсадида 2024 йил I ярим йиллиги давомида **2 та** янги ахборот тизими (*“Солиқ бошқармалари маъмурчилиги”* ҳамда *“Товар-транспорт юк хатларини электрон шаклда расмийлаштириши, сақлаш ва уларнинг ҳисобини юритиши”*) ва **2 та** электрон хизмат (*“Товар-транспорт юк хати”* ва *“Ижарага бериши”*) ишлаб чиқилди.

### **Коррупцияга қарши курашишда алоқа каналлари воситасидан фойдаланиш**

Солиқ кўмитаси тизимида ходимлар хатти-ҳаракатларининг қонунийлигига, одоб-ахлоқ нормаларига риоя қилишга, шунингдек, коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатлари содир этилишини олдини олишга қаратилган алоқа каналлари узлуксиз фаолият юритмоқда.

Солиқ органининг расмий веб-сайтидаги **“Ишон телефонлари”**, Шахсий хавфсизлик тузилмаларининг телефон рақамлари, телеграм ижтимоий тармоғидаги **“@dsq\_anticorruptsiya\_bot”** канали, **“Электрон солиқ хизматлари”** портали ва бошқа каналлари тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ янгиланди.

Ўтган даврда **“@dsq\_anticorruptsiya\_bot”** канали орқали келиб тушган **240 дан** ортиқ мурожаатлар ижобий ҳал этилди.

Солиқ хизмат органи ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан алоқа каналлари орқали келиб тушган мурожаатларнинг

**84,2 фоизида** кўтарилган масалалар ижобий ҳал этилди ва **4,1 фоизи** бўйича ходимларга тегишли чоралар кўрилди, шунингдек **11,7 фоизи** ўз тасдиғини топмаганлиги сабаб тугатилди.

### **Эришилган натижалар бўйича қисқача**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги ПҚ-81-сон қарорига мувофиқ, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан **95 та** давлат органи ва ташкилотларида 2023 йилда коррупцияга қарши курашиш борасида олиб борилган ишлар самарадорлиги рейтинг баҳолашдан ўтказилди.

Баҳолаш натижаларига кўра, **42 та** давлат органи ва ташкилотлар самарадорлик кўрсаткичлари, шу жумладан, Солиқ қўмитасининг натижалари ҳам “**яхши**” деб баҳоланди. Агентлик ва экспертларнинг хулосасига асосан Солиқ қўмитасига **82 балл** билан берилди.

Солиқ органи ўзининг коррупцияга қарши сиёсатида белгилаб олган асосий тамойилларидан келиб чиқиб, коррупцияга қарши курашиш тизимини доимий равишда такомиллаштириб боради ҳамда коррупциядан ҳоли давлат органи сифатида тан олинishi учун барча чораларни кўради.

### **Солиқ қўмитаси Шахсий хавфсизлик бошқармаси**